

Екатерина II фармони билан босилган илк босма Мусхафнинг асл нусхаси тақдимоти ўтказилди



12:29 / 11.06.2022 1965

Россия Миллий кутубхонаси бош раҳбари маслаҳатчиси Антон Лихоманов Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси биринчи ўринбосари Дамир ҳазрат Муҳиддинга 1787 йилга оид бир неча китобларни тантанали равишда топширди. Жумладан, бир кун аввал Москва жомеъ масжидига қиролича Екатерина II фармони билан босилган илк босма мусхафнинг асл нусхасини олиб келишди. Бу мусхафни Қозон шаҳрининг имом-хатибларидан бири Али Усмон ҳазратлари ёзганлар. Кейинчалик, 1803 йилда бу мусхаф Қозон шаҳрига олиб келинган. Бизнинг юртимизда «Қозон босма Мусхаф» номи билан танилган Қуръони Каримнинг ушбу илк нусхаси мазкур тадбирда ташриф буюрган меҳмонларга намоиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон муслмонлари идораси делегация аъзолари ҳам

иштирок этишди.